

МИНТАҚАДА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИННИ БАҲОЛАШ ВА
ПРОГНОЗЛАШДА КЛАСТЕРЛИ ТАҲЛИЛ УСУЛИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

М.А.Умарова

ТДИУ и.ф.д. доцент

З.Ф.Холтаева

ТДИУ магистранти

Аннотация: Мақолада меҳнат бозоридаги вазиятни баҳолаш ва ҳудудий жойлаштириши таҳлил амалга оширилган. Корреляцион таҳлил минтақа меҳнат бозоридаги тенденцияларни энг яхши тарзда тавсифлайдиган аломатларни аниқлашга имкон беради. Регрессия моделлари асосида ҳар бир кластер учун ишсизликнинг прогноз даражаси ҳисоблаб чиқши мумкин.

Таянч сўзлар: ишсизлик даражаси, корреляция, кластерли таҳлил, регрессия тенгламаси, прогнозлаш.

Ҳар бир минтақада меҳнат бозоридаги вазият хусусиятлари, уларнинг ишсизлик даражасига таъсирини ўрганиш, корреляция-регрессия таҳлил усулларидан фойдаланиб прогнозлаш, комплексли модель тузиш ва ишсизлик коэффициенти ҳажмига статистик жиҳатдан жиддий таъсир этадиган омилларни аниқлашга қаратилиши лозим.

Бироқ гуруҳлашнинг асоси сифатида қайсиdir битта белгини танлаш доимо қийин бўлади. Бир нечта белгилар бўйича гуруҳлаш бундан ҳам қийин. Иккита белги комбинацияси жадвалнинг кўзга кўринадиганлигини сақлашга имкон беради, лекин иккidan ортиқ белги комбинацияси умуман қониқарсиз натижа беради. Объектларни таснифлаш структурали усуллари комбинацион гуруҳлаш камчиликларини бартараф қилиш ва гуруҳларни тавсифлаш мураккаблигини сақлашга имкон беради. Бу кўп ўлчамли усуллар «кластерли таҳлил» атамаси билан бирлаштирилади.

Инглиз тилидаги «the cluster» сўзи груп, тутам, яъни қандайдир бир хил турдаги ҳодисаларни бирлаштириш маъносини англатади. Кластерли таҳлил ШЭҲМ ва «STATISTICA» амалий дастур пакетларидан фойдаланиш туфайли кенг тарқалган.[1]

Кластерли таҳлилнинг асосий мақсади бошланғич кўп ўлчамли маълумотларда гуруҳлар ичida кўп ўлчамли белгилар маконида танланган матрица бўйича бир-бирига яқин бўлган объектлар бўлиши, турли гуруҳлардаги объектлар эса бир-биридан узоқ бўлиши учун бир хил турдаги гуруҳларни ажратиш ҳисобланади.

Кластерли таҳлил усулларини ўрганишда кластерли таҳлил вазифасининг аниқ қўйилмаслиги билан боғлиқ қийинчиликлар вужудга келади. Биринчи навбатда, кластерни белгилаш катта қийинчилик түғдиради. Бундан ташқари, каттароқ ҳажмдаги маконда объектлар ва кластерларнинг ўзаро жойлашуви турли вариантлари билан

боғлиқ катта қийинчиликлар вужудга келади. Шу сабабли таснифлашни амалга ошириш учун биринчи навбатда объектларнинг белгига оид маконда яқинлик тушунчасини киритиш зарур.

Кластерли таҳлилнинг катта устунлиги шундаки, у объектларни битта кўрсаткич бўйича эмас, балки турли белгилар тўплами бўйича ажратишга имкон беради. Бундан ташқари, кластерли таҳлил кўплаб математик-статистик усуллардан фарқли равишда, кўриб чиқилаётган объектларга ҳеч қандай чекловлар кўймайди ва амалда ихтиёрий таркибдаги кўплаб бошланғич маълумотларни кўриб чиқишига имкон беради. Масалан, кўрсаткичлар анъанавий эконометрик ёндашувларни қўллашни қийинлаштирадиган хилма-хил кўринишга эга бўладиган минтақавий меҳнат бозоридаги вазиятни прогнозлаш учун катта аҳамиятга эга. [2]

Кластерли таҳлил катта ҳажмдаги ахборотни кўриб чиқиш ҳамда уни кескин қисқартириш, катта ҳажмдаги ижтимоий-иктисодий ахборотларни ихчам ва яққол кўринишга келтиришга имкон беради. Кластерли таҳлил иқтисодий ривожланишини (масалан, товар конъюнктурасини) тавсифлайдиган вақт қаторлари йиғиндисига алоқадор бўлади. Бу ерда мос келувчи кўрсаткичлар қийматлари бир-бирига анча яқин бўлган даврларни ажратиш, шунингдек, уларниг динамикаси энг ўхшаш бўлган вақт қаторлари гурухларини аниқлаш мумкин.

Ижтимоий-иктисодий прогнозлаш тадқиқотларида кластерли таҳлилни бошқа миқдорий усуллар (масалан, регрессия таҳлили) билан уйғулаштириш жуда истиқболли йўналиштирилган. [1]

Кластерли таҳлилда йиғинди таркибидаги ҳар битта бирлик берилган белгили маконда нуқта сифатида кўриб чиқилади. Ҳар бир белгининг қиймати ушбу бирликда худди реал уч ўлчамли макондаги координата нуқталари каби ушбу маконда унинг координатаси бўлиб хизмат қиласи. Шундай қилиб, белгига оид макон бу – ўрганилаётган ҳодисалар барча белгилари йиғиндисининг вариантлар соҳасидир. Агар бу маконни евклид метрикасига эга бўлган оддий маконга ўхшатадиган бўлсак, шу тариқа белгига оид макон нуқталари ўртасидаги «масофа»ни ўлчаш имконияти падио бўлади. Бу масофалар евклид масофаси деб аталади: (1): [5]

$$r_{ij}(x_i, x_j) = \sqrt{\sum_{l=1}^k (x_{il} - x_{jl})^2} \quad (1)$$

бу ерда x_{il}, x_{jl} – i - (j) объектнинг l -таркибий қисми ҳажми ($l = 1, 2, \dots, k; j = 1, 2, \dots, n$).

Белгиларни бир хил бирликларга келтириш учун бу белгиларнинг ҳар бирини марказлаштирилган кўрсаткични ўртача квадратик оғишга бўлиш йўли билан меъёрлаштиришга мурожаат қилинади (формула (2)):

$$x_{il}^H = \frac{x_{il} - \bar{x}_i}{s_i}, \quad (2)$$

бу ерда , x_{il} – i-объектнинг l-белгиси қиймати; \bar{x}_l - l-белгининг ўртача арифметик қиймати; - l-белги тафовутининг ўртача квадратик қиймати.

$$s_l = \sqrt{\frac{1}{n} \sum_i (x_{il} - \bar{x}_l)^2}$$

Таснифлаш жараёни натижаси - дендрограмма – горизонтал ўқ бўйича масофалар шкаласи ва вертикал ўқда объектлар тартиб рақамларига эга бўлган кластерлар бирлашмалари дараҳтидир. Белгилар бўйича олинган кластерлар бир хил йифиндини ифодалаши сабабли регрессия моделини олиш имконияти пайдо бўлади. [5]

Шартли бир вилоят (ШВ) маъмурий ҳудудларининг меҳнат бозоридаги вазият бўйича фарқланиш даражасини баҳолаш учун, масалан ШВ 35 та тумани бўйича кластерли таҳлил амалга оширилди деб фараз қиласли. ШВ шаҳарлари кластерларга киритилмайди, чунки айрим белгилар бўйича зарур ахборот мавжуд эмас деб ҳисоблаймиз.

Кластерли таҳлил усулидан фойдаланишдан олдин қайси омиллардан кўп ўлчамли таснифлашнинг асоси сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқлаб оламиз. Белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни миқдорий тавсифлашга имкон берадиган келгуси таҳлил учун “Х” омилли белгиларни танлаб олишдан иборат бўлган корреляция таҳлили омилларни танлаш учун энг асосланган усул ҳисобланади.

N- йил ШВда ходимлар ўртача рўйхат сонига нисбатан фоиздаги ишсизлик даражаси минтақадаги ишсизлик даражаси (Y) ҳолатини тавсифлайдиган асосий кўрсаткич сифатида оламиз, унинг омилли белгилари (X) сифатида қўйидагилар қатнашади:

X_1 – уларга ишсизлик бўйича нафақа тайинланган ишсизларнинг рўйхатга олинган ишсизлар умумий сонидаги улуши,%;

X_2 – рўйхатга олинган ишсизлар ва меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган, иш излаётган фуқаролар сонининг нисбати,%;

X_3 – уларга ишсизлик бўйича нафақа тайинланган ишсизлар сонининг ўсиш коэффициенти, $n-1$ йилга нисбатан %да;

X_4 – ходимларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақининг ўсиш коэффициенти, $n-1$ йилга нисбатан %да;

X_5 – меҳнат бозорида кескинлик коэффициенти, битта бўш ўринга тўғри келадиган кишилар;

X_6 – ахолининг ҳар 1000 кишига пенсионерлар сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги ахоли сони нисбати («пенсия юки»);

X_7 – ахолининг табиий ўсиш умумий коэффициенти (ҳар 1000 кишига);

X_8 – туғилиш кўрсаткичлари умумий коэффициенти (ҳар 1000 кишига туғилганлар сони);

X_9 – миграцион ўсиш коэффициенти (ҳар 1000 кишига);

X_{10} – зиён кўриб ишлаётган ташкилотлар улуши, ташкилотлар умумий сонида %да;

X_{11} – асосий капиталга инвестициялар жисмоний ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан %да;

X_{12} – чакана савдо айланмасининг жисмоний ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан %да;

X_{13} – 1000 квадрат метр умумий майдонга турар-жойлар топширилиши. [3, 4, 6]

Айтиб ўтилган омилларнинг ишсизлик даражасига таъсири корреляцион матрица ёрдамида аниқланади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотлари бўйича таъкидлаш жоизки, барча омиллар ($X_1 - X_{13}$) натижали кўрсаткич билан турли даражада боғлиқ бўлади. Жуфт корреляция коэффициентлари нафақат ўзаро боғланган ва омилли белгилар ўртасида аниқланади. Шунингдек, омилли белгилар ўртасида ҳисоблаб чиқилган корреляция коэффициентлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, белгили омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас.

Бироқ олинган ҳисоб-китоб натижалари тасодифий ёки тасодифий эмаслиги хақидаги саволга Стыюдентнинг t -мезони ёрдамида жуфт корреляция коэффициентлари муҳимлигини текшириб кўрган ҳолда жавоб олиш мумкин (2-жадвал). [5]

2-жадвал маълумотлари бўйича кўриниб турибдики, модуль бўйича t -мезон кузатилаётган қийматлари жадвал даражадан каттароқ, демак, жуфт корреляция коэффициентлари статистик аҳамиятга эга ва олинган қийматлар тасодифий шаклланмаган. Демак, таснифлашга асос қилиб қуйидаги белгиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

X_5 – меҳнат бозорида кескинлик коэффициенти, битта бўш ўринга тўғри келадиган кишилар;

X_9 – миграцион ўсиш коэффициенти (ҳар 1000 кишига);

X_{10} – зиён кўриб ишлаётган ташкилотлар улуши, ташкилотлар умумий сонида %да;

X_{11} – асосий капиталга инвестициялар жисмоний ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан %да;

X_{12} – чакана савдо айланмасининг жисмоний ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан %да;

X_{13} – 1000 квадрат метр умумий майдонга турар-жойлар топширилиши.

1-жадвал

**ШВ тузилмалари йигиндиси учун жуфт корреляция коэффициентлари
матрицаси ***

	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	X ₅	X ₆	X ₇	X ₈	X ₉	X ₁₀	X ₁₁	X ₁₂	X ₁₃
Y	1,00													
X ₁	0,14	1,00												
X ₂	0,04	-0,12	1,00											
X ₃	0,11	0,18	0,01	1,00										
X ₄	0,21	-0,20	0,09	0,01	1,00									
X ₅	0,74	0,09	0,09	-0,24	-0,07	1,00								
X ₆	-0,05	0,10	0,09	-0,24	-0,12	1,00	1,00							
X ₇	-0,06	-0,08	0,07	0,11	0,09	0,12	0,12	1,00						
X ₈	0,25	-0,20	0,10	0,09	0,36	-0,15	-0,16	0,24	1,00					
X ₉	-0,68	0,10	0,06	-0,12	-0,56	0,14	0,15	0,14	-0,16	1,00				
X ₁₀	0,58	-0,08	0,05	-0,38	0,06	0,23	0,21	-0,31	-0,23	0,06	1,00			
X ₁₁	-0,68	0,01	0,18	-0,01	0,10	-0,05	-0,06	0,08	0,16	0,11	0,35	1,00		
X ₁₂	-0,66	0,02	0,07	-0,10	-0,20	-0,01	-0,01	0,24	0,06	0,42	0,04	0,06	1,00	
X ₁₃	-0,63	0,24	0,32	0,21	-0,42	-0,23	-0,23	0,07	-0,18	0,59	0,22	0,18	0,26	1,00

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган [3, 4, 6]

2-жадвал

t-мезон бўйича жуфт корреляция коэффициентлари қийматини текшириши

Жуфт корреляция коэффициентлари	г _{yx} киймати	t _{kp} ($\alpha = 0,05; v=35 - 2$)	Модуль t _{xисоб}	г _{yx} киймат баҳоси
R _{yxs}	0,741	2,040	2,312	мухим
R _{yx9}	-0,683	2,040	2,556	мухим
R _{yx10}	0,581	2,040	2,299	мухим
R _{yx11}	-0,680	2,040	2,914	мухим
R _{yx12}	-0,662	2,040	2,309	мухим
R _{yx13}	-0,634	2,040	2,209	мухим

ШВнинг шаҳар ва туманларини юқорида кўрсатилган белгилар бўйича кластерларга бирлаштириш учун Уорд усули ва эвклид масофасидан фойдаланиш мумкин («STATISTICA 7.0»). [2]

Бирлаштириш натижаси – дендрограмма (1-расм), ординаталар ўқи бўйича ШВнинг шаҳар ва туманлари акс эттирилган, абсциссалар ўқи бўйича эса тадқиқ этилаётган кўрсаткичлар асосида шакллантирилган кўрсаткич билан ифодаланган интеграл кўрсаткич қиймати кўрсатилган. Ушбу кўрсаткич ўлчов бирлигига эга эмас, балки кўп ўлчамли статистик баҳо ҳисобланади. Бизнинг ҳолатда – ШВ меҳнат бозоридаги вазиятнинг баҳоси.

Кўп ўлчамли гурухлаш натижалари бўйича 3 та кластер олинган бўлиб (3-жадвал), улар минтақа меҳнат бозоридаги иқтисодий вазият ўзига хосликларини белгилаб беради.

Олинган тавсифномаларни таҳлил қилиш асосида (4-жадвал) қайд этиш мумкинки, ўртacha қийматлар бўйича учинчи кластерга тушган туманларни (барча туманлар умумий сонининг 20,0%и), меҳнат бозоридаги вазият энг қулай бўлган туманлар қаторига киритиш мумкин. Зиён кўриб ишлаётган ташкилотлар улуши ва кескинлик коэффициенти қийматининг пастлиги шундан далолат беради.

Учинчи кластердан ўрин олган туманлар учун ушбу кўрсаткичлар жуда катта, иқтисодий вазиятни муваффақиятли деб айтиш мумкин.

Иккинчи кластердаги туманлар учун ҳисоблаb чиқилган кўrсаткичлар (4-жадвал) қиймати бўйича учинчи кластер кўrсаткичларидан каттароқ ва биринчи калстер кўrсаткичларидан кичикроқ. Демак, иккинч кластердан ўрин олган туманлар меҳнат бозоридаги вазиятни биринчи кластердаги туманлар меҳнат бозоридаги вазиятга нисбатан яхшироқ деб ҳисоблаш лозим.

1-расм. Уорд усули билан кластерлаш дендрограммаси

3-жадвал

ШВ туманларини кластерлаш натижалари

Кластер рақами	Тумандар сони
1	20
2	8
3	7

Биринчи кластер учун кўrсаткичлар ўртacha қийматлари юқорилиги - бу кластерга тушган туманлар меҳнат бозорида юзага келган вазиятни муваффақиятсиз деб тавсифлашга имкон беради. Хусусан, биринчи кластер туманлари учун зиён кўриб ишлайдиган ташкилотлар улуши анча юқори бўлиб, буни ушбу туманлар меҳнат бозорлари учун салбий тенденция сифатида кўриб чиқиш лозим.

Ўртacha белгилар қийматларини графикда тақдим этиш асосида (2-расм) минтақавий меҳнат бозоридаги вазият бўйича ҳар бир кластер учун худди шунга ўхшаш иқтисодий талқин келтириш мумкин.

Натижали ва омилли белгилар ўртасидаги боғлиқликни таҳлилий ифодалашни аниқлашга имкон берадиган регрессия таҳлили усули ёрдамида омилларнинг ШВда ишсизлик даражасига таъсири кўриб чиқилган. Statistica амалий дастурлар пакети таркибидаги Multiple Regression (Кўп омилли регрессия) моделидан фойдаланиб, 5-жадвалда акс эттирилган қуйидаги натижалар олинди.

Натижаловчи омил вариацияси (Y – ишсизлик даражаси, ўртача рўйхат сонига нисбатан фоизда) моделга киритилган омилли белгилар моделида мос равишда 47,2%, 70,9% ва 80,8% вариацияси билан тавсифланади. Натижанинг омиллар билан асосланганлик даражаси – қучсиздан кучлигача.

4-жадвал

Вилоят туманларининг меҳнат бозори ҳолати бўйича тавсифланиши

Кластер рақами	X_8	X_9	X_{10}	X_{11}	X_{12}	X_{13}
1	9,7 7	- 5,22	43, 55	62, 91	91, 50	190 ,79
2	8,2 3	- 0,30	39, 19	64, 45	98, 53	210 ,39
3	7,3 7	5,7 4	25, 57	67, 77	105 ,11	44 4,13

*муаллиф томонидан ишлаб чиқилган [3, 4, 6]

Регрессия тенгламаси ва R кўп омилли регрессия коэффициенти ишончлилигига баҳони Фишернинг F-мезони беради, F-мезоннинг жадвал қийматлари амалдагидан кичик (5-жадвал, 4-устун), бундан ҳар бир кластер учун олинган регрессия тенгламалари ва детерминация кўп омилли коэффициенти муҳим эканлиги ўз тасдигини топади.

5-жадвал

Регрессия моделлари тавсифланиши

Кластер рақами	Модель	Детерминация кўплик коэффициенти	F-мезон ($\alpha = 0,05$ да жадвал қиймати)	Аппроксимация нисбий хатоси, %
1	$y = 18,5 + 0,3X_5 + 0,2X_{10}$	0,472	10,231 (3,49)	3,06
2	$y = 15,6 - 0,7X_9 - 0,2X_{11}$	0,709	8,911 (4,46)	2,75
3	$y = 12,5 - 0,5 X_{12} - 0,4 X_{13}$	0,808	9,123 (4,74)	3,88

Биринчи кластер учун регресси тенгламасини таҳлил қилиш (5-жадвал) шуни кўрсатадики, зиён кўриб ишлайдиган ташкилотлар ва кескинлик коэффициентининг ўлчамнинг битта бирлигига ўсиши билан ШВда ишсизлик даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлади.

Асосий капиталга инвестициялар жисмоний ҳажми индекслари ва миграцион ўсиш коэффициентининг ўлчамнинг битта бирлигига ўсиши иккинчи кластердаги туманлар учун ишсизлик даражасининг пасайишига олиб келади. Хулоса мантиқан

тұғри, чунки асосий капиталга инвестициялар мінтақа іктисодиетига сезиларлы таъсир күрсатады, ишчи кучига талабни белгилаб беради, чунки янги иш үринлари яратылады. Асосий капиталга инвестиациялар үсиши күп жиҳатдан одамларнинг ишлаб чиқаришга жалб қилинишига ва оқибатда, ишсизликнинг қисқаришига хизмат қиласы. миграцион үсиш коэффициентининг ҳар 1000 кишига 1 та мигрантга үсиши ишсизлик даражасининг 0,2%га пасайишига олиб келади. (табл. 5)

Иккінчи кластердаги тенденциялар билан айнан бир хил тенденциялар учинчі кластерда ҳам күзатылады: ушбу кластердан үрин олган туманлар учун ҳар 1000 кишига туарәжойлар ишга топширилиши ва чакана савдо айланмаси жисмоний ҳажми индексларининг үсиши ишсизлик даражасининг мөсравища 0,5% ва 0,4% пасайишига олиб келади (5-жадвал). 6-жадвалда эса ҳар бир кластер учун уcta прогноз вариантылары акс эттирилган.

6-жадвал

ШВда ишсизлик даражаси прогнози, ходимлар үртача рүйхат сонига нисбатан %да

Прогноз вариантылары	1-кластер	2-кластер	3-кластер
Пессимистик	23,3	5,6	4,4
Реалистик	28,3	12,3	11,8
Оптимистик	35,7	16,1	13,2

Регрессион моделлар күрсаткышлари сақланиб қолиши шартида ШВда ходимлар үртача рүйхат сонига нисбатан фоиздаги ишсизлик даражаси күйидагича бўлиши мумкин:

- 1-кластерда омиллар минимал қийматида - 23,3%; омиллар үртача қийматида - 28,3%; омиллар максимал қийматида - 35,7%;
- 2-кластерда: омиллар минимал қийматида - 5,6%; омиллар үртача қийматида - 12,3%; омиллар максимал қийматида - 16,1%;
- 3-кластерда: омиллар минимал қийматида - 4,4%; омиллар үртача қийматида - 11,8%; омиллар максимал қийматида - 13,2%.

Шундай қилиб, ШВ бошқарув органлари фаолияти меҳнат бозоридаги вазият нокулай бўлган туманлар учун меҳнат бозоридаги вазиятни (1-кластер), вазият нисбатан муваффақиятли бўлган туманлар учун ижтимоий-меҳнат мухитини (2-кластер), меҳнат бозордаги вазият муваффақиятли бўлган туманлар учун ижтимоий-иқтисодий күрсаткышларни (3-кластер) яхшилашга қаратилган бўлиши лозим. Мінтақавий меҳнат бозорида ишсизлик даражасини пасайтириш бўйича қатор чоратадбирлар амалга оширилиши оқибатида шаклланган ижобий тенденциялар ШВ ахолисининг фаровонлик даражаси оширилишини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Башина О.Э., Иванова Н.Ю. Многомерные статистические группировки / О.Э. Башина, Н.Ю. Иванова. - М.: Изд-во МГУК, 2001. - с. 24.;
2. Боровиков В.П., Ивченко Г.И. Прогнозирование в системе STATISTICA в среде Windows. Основы теории и интенсивная практика на компьютере / В.П. Боровиков, Г.И. Ивченко. - М.: Финансы и статистика, 2003;
3. Эконометрика / Под ред. И.И. Елисеевой - М.: Проспект, 2011;

